

22 (1071)-сон 30 май 2012 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Жамият

Маҳалла обод — юрт обод



Тежамкорлик хасислик эмас-ку!



Хайр мактаб, ассалом ҳаёт!

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

БОЛАЛАР ТАБАССУМИ

*Дунёга дунё берган
Болалар табассуми.
Ҳар уйга зиё берган
Болалар табассуми.*


*Жон ичра жон чироғи,
Кувончининг кўнғироғи.
Хуш кўриб Худо берган
Болалар табассуми.*

*Бахт кулган кундай гўзал,
Ой тўлган тундай гўзал.
Қатордаги қалқонинг,
Бор бўлсин шундай гўзал.*

*Тилларга наво берган
Болалар табассуми.
Дардларга даво берган
Болалар табассуми.*

*Яхши тилак, хуш дуо
Ота-онадан раво.
Болаларга табассум
Ато эт, ўзинг Худо.*

*Чехранга жило берган
Болалар табассуми.
Ватанга зиё берган
Болалар табассуми.*



ЁШЛИК ВА ШИЖОАТ БАЙРАМИ

Юртимизнинг қайси гўшасига борманг, бугуннинг ёшлари бошқача-да, деган гап кулоққа чалинади. Фахрифтихорга йўғрилган бу сўзлар замирида ёшларимизнинг салоҳияти, ютуқлари намоён бўлади. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб, юртимизда ҳар томонлама баркамол авлодни камол топтиришга алоҳида эътибор қаратилди.



Ёшларимизнинг бугунги камолотида Президентимиз Ислом Каримов асос солган ва бугунги кунга келиб мамлакатимизнинг ўқувчи ва талаба ёшлари орасида кенг оммалашаган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақаларининг алоҳида ўрни бор.

Мазкур тизимнинг дастлабки бўғини — "Умид ниҳоллари" илк мартаба 2002 йилда Фарғонада ташкил этилган эди. Ўтган ўн йил мобайнида мамлакатимизнинг барча умумтаълим мактабларида спортнинг олимпиада турлари оммавийлашди. Ўқувчиларнинг кўнглида улғу мақсад манзиллари қад ростлади. Уларнинг орасида соғлом рақобат кучайди. Хал-

Умид ниҳоллари — 2012



қаро спорт майдонларида янги номлар кашф этилди. 2006-йил Қарши ва 2009-йил Гулистонда ўтказилган "Умид ниҳоллари" ўйинлари ғолиби Азиза Мамажонова кейинчалик XII Осиё чемпионатида 3 та олтин ва 1 кумуш медални, Германия, Венгрия, Словения, Миср, Бельгия, Малайзияда бўлиб ўтган халқаро турнирларда ғолибликни қўлга киритди. 2009-йилги "Умид ниҳоллари" ўйинлари ғолиби, беш қарра республика чемпиони Замира Санақулова 2010-йилда Гуанчжоуда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида 2-ўринни эгаллаб, гимнастика бўйича кўплаб халқаро турнирларда шохсупага кўтарилган бўлса, 2006-йил "Умид ниҳоллари" да ғолиб бўлган Мафтуна Тўхтасинова 2009-йил Сингапурда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги биринчи Осиё ўйинларида спортнинг сузиш турида рекорд ўрнатди.

(Давоми 3-бетда)

Хайрия акцияси

АНДИЖОНДА ҚЎШАЛОҚ ТҮЙЛАР

"Мустаҳкам оила йили Давлат дастури" доирасида Фонд форум, "Аёллар кенгаши" республика жамоатчилиги бирлашмаси, "Меҳр нури" жамоат жамғармалари ташаббуси билан "1000 та никоҳ ва 1000 та суннат тўйлари" деб номланган хайрия акциясининг навбатдаги тадбири Андижон вилоятида ўтказилди. 70 та никоҳ ҳамда 70 та суннат тўйлари ўзига хос шодиёналарга улашиб кетди.

Шу кунни Шаҳрихон туманидаги "Шукрона" тантаналар саройида ҳам етти нафар келин-куёвнинг никоҳ тўйи ҳамда тўққиз нафар болажонларнинг суннат тўйлари бўлиб ўтди. Бундай тўй кечалари вилоятнинг Асака, Жалақудук, Балиқчи, Избоскан, Қўргонтепа туманларида ҳам ўзгача файз билан ўтди.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,
"Оила ва жамият" муҳбири,
Андижон вилояти



«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ —
ДОИМИЙ ҲАМКОРИМИЗ!

ОРЗУ-УМИДЛАР РЎЎБИ

Болаларни ҳимоя қилишга оид давлат сиёсати Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Унинг мақсади ёш авлоднинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, жамият манфаатлари йўлида ўз ижодий иқтидорини имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқариши учун ижтимоий иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиб ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир.

Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида Болаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлиши белгилаб қўйилган. Юртбошимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, "Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаятган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий оруз-интилишини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради..."

Давлатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан оқ юрт тақдирини, унинг бугуни ва келажаси учун масъулиятни ҳақ ҳис этадиган, мустақил ва шунинг билан қадарлаган аҳлиёни қондириш вазифаси ўта муҳим мисалга айланган эди. Ифтихор билан айтиш кераки, Ўзбекистон ҳукумати ўтиш даври қийинчиликларига қарамадан ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний камолоти учун ҳар қандай маблағни аямади. Муҳими, янги авлоднинг тарбиялаш, етук кадрларни шакллантириш у ёки бу тадбирларни амалга ошириш орқали эмас, балки пухта уйланган, илмий асосланган давлат сиёсати шаклида амалга оширилган келинмоқда.

Дунёда ўз фарзандининг оқил, зукко ва ҳар жиҳатдан комил бўлишини истамаган биронта ота-она бўлмаса керак. Статистик маълумотга кўра, мамлакатимиз аҳолисининг 11 млн. 144 минг 726 нафари ёки умумий аҳолининг қарийб 40 фоизини воёга етмаган ёшлар ташкил қилади. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида доллар берадиган касб этиб, бу борадаги аҳволни яхшилаш мақсадида муҳим қонунлар қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конститу-

циясининг 65-моддасида белгиланган оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза қилинишига доир конституциявий тамойиллар ҳаётга изчиллик билан тадбиқ этилмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, "Соғлом авлод орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаятган, қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас интилимдир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш тарзига, тафаккурига назар солсак, улар насл-насаб, етти пуштининг тозалигига, авлоднинг соғлиғига жуда катта эътибор берганини кўрамиз."

Лекин соғлом авлод тарбияси осон иш эмас. У ҳар бир инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятдан жиҳдий эътибор ва



узлуксиз меҳнат талаб қилади".

Айнан шунини эътиборга олган ҳолда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харajatлари 2 баробар кўпайди. Халқимиз турмуш даражаси сезиларли даражада яхшиланди. Бунинг натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баробарга камайди. Фуқароларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етди. Булар шубҳасиз, шу юрт фарзанди бўлган ҳар бир инсоннинг кўксини тоғдек кўтиради.

Бугунги кунда мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва кафолатлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари изчиллик билан ривожлантирилиб келинмоқда. Биринчи галда, мамлакатимизда болаларнинг соғлиғини муҳофаза қилишга доир халқаро стандартлар изчиллик билан миллий қонунчиликка имплементация қилиб келинмоқда. Бинобарин, 1989 йил 20 ноябрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган болалар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган энг асосий халқаро ҳужжат — "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"

ги конвенция Ўзбекистон Республикаси томонидан 1992 йил 9 декабрда ратификация қилинди.

Ёшларга кўрсатилаётган эътибор давлатнинг эртанги равақини белгилаб беради. Шунинг назарда тутилган ҳолда мустақиллик йилларида болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг меъёрий-ҳуқуқий асослари бўйича жиҳдий сифат ўзгаришлари рўй берди. Чунинчи, 1992 йилнинг 9 декабрида "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Халқаро конвенциянинг миллий қонунчилигини мизга жорий этилиши фикримизнинг ёрқин далилидир. Унга кўра, бола мустақил ҳуқуқ субъекти экани, унинг манфаатлари жамиятда устуворлиги эътироф этилди.

Оила кодексига бола тарбиясига оид меъёрлар аниқ кўрсатилган. Унда болаларнинг, шу жумладан, етим болалар, ота-онасиз, қаровчисиз қолган болалар, ногирон болаларнинг ҳуқуқларини кафолатловчи қоидалар ва бошқа ҳуқуқий нормалар кўзда тутилган.

Болаларга оид қонунчилик йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Уларнинг ҳуқуқларига оид турли соҳадаги қонун ҳужжатларини ўзида мужассам этакдаги ҳуқуқий тартибга солишининг ишлаб чиқилган асосий механизми, бу 2008 йил 7 январда қабул қилинган махсус "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун бўлди. Мазкур ҳужжатда "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенциянинг асосий принциплари ва қоидалари мустаҳкамлаб қўйилган, аслида у мазкур конвенцияда баён этилган болаларнинг барча ҳуқуқлари комплексини мустаҳкамловчи Болалар Конституцияси ҳисобланади. Қонунда болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш бўйича давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг вазифалари аниқ белгилаб берилган. "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун бола ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя этилишини, унинг манфаатлари устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий асосларини яратиб ва такомиллаштиришнинг узвий давоми бўлди. Боланинг жамиятдаги ҳуқуқий мақомини кучайтиришга хизмат қилувчи ушбу қонунда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг қўшимча кафолатларига доир ҳуқуқий нормалар алоҳида белгилаб берилди.

Н. РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курси тингловчиси, Навоий вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори.

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати— Ўзбекистон либерал-демократик партияси билан ҳамкорликда "Аҳолини оилавий тадбиркорликка жалб қилишда ОАВнинг ўрни ва роли" мавзусида анжуман ташкил этилди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ЁИҲ вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

— Ушбу конференцияни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган оилаларни молиявий рағбатлантириш ва уларга яратилаётган имтиёзлар мазмун-моҳияти билан жамоатчиликни қинқор таништириш билан бирга, ўз тадбиркорлигини самарали йўлга қўйган оилалар тажрибасини оммалаштириш ва бу борада ОАВ фаолигини оширишдан иборат,— дейди Ўзбекистон либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадюсуп Тешабоев.

Анжуманда таъкидланганидек, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурига мувофиқ, тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларнинг бизнес лойиҳалари учун имтиёзли кредитлар ажратиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналиш тараққиёти учун ҳукуматимиз томонидан йил давомида беш триллион сўмдан ортқ маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда. Шундан бир триллионини микрокредитлар ташкил қилади. Марказий банк маълумотларига кўра, 2012 йилнинг 1 майга қадар ёш оилаларга ўз бизнесини йўлга қўйиш учун ажратилган кредитлар ҳажми 23,6 миллиард сўмни ташкил қилди.

Шунингдек, бугунги кунда хотин-қизлар ўртасида кенг йўлга қўйилаётган тадбиркорлик иқтисодий тизимининг жадал ривожланаётган тармоқларидан бирига айланди. Бинобарин, улар учун ажратилган маблағлар миқдори 129,5 миллиард сўмни ташкил этаётгани ҳам оилавий бизнес равақига кўрсатилаётган гамхўрликнинг яққол намунаси дидир.

Тадбир давомида мазкур масалаларни ёритишда ОАВ олдида турган доллар вазифалар муҳокама этилиб, ушбу йўналиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Нигора РАҲМОНОВА,
Бекзод САМАНДОВ.

ИЗЧИЛЛИК ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги қарорига асосан рақобатбардош, юқори сифатли ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни қўлайлаштириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини янада тўлиқроқ бойитиш, тайёр ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни янги техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, инсонларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини ошириш кўзда тутилган эди. Шунингдек, манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг тармоқ ва минтақавий дастурлари ишлаб чиқариб, тасдиқланган ҳамда бу борада янги ташкил этилаётган

корхоналар фаолияти учун қўлай шароитлар яратиш, жумладан, янги моддий-техника базасини барпо этиш ва мавжуд базани модернизациялаш юзасидан биналар ва ер участкалари ажратиш, барча зарур ҳужжатлар кадастр бўйича расмийлаштирилиши, қурилиш ва капитал реконструкция қилишга руҳсатномалар бериш ишлари амалга оширилди.

Мазкур қарорга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги қарорини билан ўзгартириш киритилиб, 2014 йил 1 январгача бўлган даврда ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга қуйидаги кўринишда солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялари бе-

рилди. Жумладан: микрофирмалар ва кичик корхоналар учун фойда солиғи ва мулк солиғи, ягона солиқ тўловлари, республика йўл жамғармасига мажбурий ажратилган тўлашдан озод этиш, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган, ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, республикада ишлаб чиқарилмайдиган хомашё ҳамда материалларни божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этиш, ҳукуматимизнинг тасдиқланган рўйхатига киритилмаган ноозик-овқат истеъмол товарларини ўзи учун ишлаб чиқаришда зарур бўлган

хомашё, материаллар ва фурнитураларни импорт қилишда божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб, божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 60 кунгача бўлган муддатга узайтириш белгиланган.

Берилган имтиёزلардан бўшайдиган маблағлар мақсадга номувофиқ фойдаланилган тақдирда, ушбу маблағлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган жазима санкцияларини ҳисобга олган ҳолда тўлиқ ҳажмда давлат бюджетига ўтказилади.

Бектемир тумани давлат солиқ инспекциясидан мазкур қарор талаблари тадбиқ этиладиган учта хўжалик субъекти рўйхатдан ўтказилган. Маса-

лан, "Progress rsf" масъулияти чекланган жамияти тозалаш ва ювчи махсулотларини ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиб, юқоридagi қарорга асосан 2011 йилда 9239,8 минг сўм, 2012 йил 1-чоракда 2788,9 минг сўм ягона солиқ тўлови тўлаш имтиёзидан фойдаланиб келмоқда.

Энг асосийси, мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти, талаби бўйича хўжалик субъектлари ва тадбиркорлар орасида тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишлари олиб борилишига катта эътибор қаратилиб, мунтазам равишда семинар, йиғилиш, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Муҳаммадали НОРҚУЛОВ,
Бектемир тумани ДСИ бўлим бошлиғи.

Баъзан одамлар орасида “Кўп қаватли уйлarda истиқомат қилувчилар ҳатто кўшнисини ҳам танимайди”, деган ярим ҳазил, ярим чин маънода айтилган гап-сўзларни ҳам эшитиб қоламиз. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Чирчиқ шахридаги “Юлдуз” маҳалласида жойлашган уйлarda эса аксинча, ҳамма бир-бирини беш кўлдай билади. Ахил-иноқ бу гўша ахлига кўпчиликнинг ҳаваси келади.

— Беш йил аввал шу маҳаллада маслаҳатчи сифатида иш

кўрган, эл орасида юриб тажриба орттирган бундай инсонлар маҳаллаимиз ҳудудини ободлаштиришда яқиндан кўмак беришяпти. “Саломатлик куни” деб белгиланган ҳафтанинг ҳар чоршанбасида 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган хотин-қизларимиз тиббий кўриқдан ўтишади. Пайшанба куни эса 18 нафар оқсоқолимиз иштирокида икки авлод учрашуви ўтказилади. Кексаларимиз бир пиёла чой устида янги оила курган келин-куёвларга рўзгорни бошқариш, фарзанд тарбияси, умуман айтганда, катта ҳаёт сабоқларини

Аҳиллик қўргони

ни намойиш этишибди. — “Ватан маҳалладан бошланади” деган ибората ҳикмат бор. Нега десангиз, ҳар бир ҳудуднинг ободлиги, саранжом-саришталиги учун бевосита шу гўша ахли жавобгар. Мана шу спорт майдончалари ҳам бизларнинг ҳамжихатликда бамаслаҳат иш юритганимиз туфайли бунёд бўлди, — дейди ола турник, аргимчоқлар ва бошқа спорт анжомлари билан жиҳозланган майдонга ишора қилиб.

МАҚСАД АЖРАТИШ ЭМАС, АКЦИНЧА...

Oila va huquq

1998 йил 1 сентябрдан амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси оилани мустаҳкамлаш, оналик, оталик ва болаликни давлат томонидан муҳофаза қилиш бўйича конституциявий нормаларга асосланган. Оилани мустаҳкамлаш, янги ихтимойий-иқтисодий шароитларда фуқаролар манфаатларини муҳофаза қилиш, вояга етмаган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларини ҳимоялашнинг устуворлигини назарда тутиш бу ҳужжатнинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

2011 йил 20 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий суди навбатдаги пленумининг қарори қабул қилинган. Унда судлар зиммасига оилани мустаҳкамлаш, эр-хотинлар ва улар фарзандларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан келиб чиққан ҳолда никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни фуқаролик ишларининг энг муҳим туркумларидан бири деб ҳисоблаш ва бундай ишларни кўришга эътиборни қучайтириш мажбурияти юклатилган.

Маъмур пленуми республика судлари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиққан ҳолда оилани ҳар томонлама ҳимоялашга, фарзандларни Ватанга ва оилага садоқат руҳида ихтимолнинг жамият олдидаги жавобгарлигини оширишга қаратилганлигини таъкидлайди.

Оила кодексининг 40-моддаси талабига кўра, никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар судда эр ва хотиннинг аризасига биноан даъво ишларини ҳал қилиш учун белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишни кўришда суд эр-хотинни яраштириш ва оилавий вазиятни соғломлаштириш чораларини кўришга мажбурлигини назарда тутмоқ лозим.

Эр-хотинни яраштириш чораларини кўришда суд тарафларнинг ёки улардан бирининг илтимосига, ёхуд ўз ташаббусига биноан ишнинг кўрилишини бошқа вақтга қолдиришга ва эр-хотинга яраштириш учун Оила кодексининг 40-моддасида кўрсатилган доирада муҳлат белгилашга ҳақли.

Суд яраштириш учун берилган муддатда, эр-хотинни яраштириш мақсадида зарур ҳолатларда ажрим нусхаларини улар яшайдиган хотин-қизлар кўмиталари, маҳалла кенгашлари ва ўзини-ўзи бошқариш органларига муҳокама қилиш ва яраштириш учун юбориши мумкин. Ишнинг кўрилиши бошқа вақтга қолдирилган муҳлат эр-хотиннинг ўзаро муносабатларини ва уларнинг яшаб кетиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим. Оилани сақлаб қолиш мақсадида суд иккинчи марта ишни кўришни қолдиришга ва эр-хотиннинг яраштириш учун қонунда кўрсатилган, олти ойгача бўлган муҳлатни белгилашга ҳақли.

Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро суди никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда айнан, юқорида таъкидланаётган ҳиддий таъминларга асосланган ҳолда иш юритмоқда. Шаҳар, туман

ҳокимликлари ва хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорликда иш режалари тузилиб, уларда белгиланган тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Ҳаётий мисолларга мурожаат этайлик: 2011 йил давомида жами 1052 та (2010 йилда 1042 та никоҳдан ажратиш) тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилган. Улардан 501 та (2010 йилда 340 та) даъво аризалар қаноатлан-тирилган, 398 та (2010 йилда 549 та) даъво аризалар рад этилган, 60 та (2010 йилда 44 та) даъво аризалар ҳаракатдан тугатилган, 95 та (2010 йилда 106 та) даъво аризалар кўрилма-масдан қолдирилган.

2012 йилнинг май ойига қадар никоҳдан ажралиш бўйича жами 361 та иш кўриб чиқилди. Улардан 150 таси муҳлат белгиланган ҳолда қаноатлан-тирилган. Шу ўринда ҳақли савол туғилиши табиий: хўш, бу каби ажралишларнинг сабаблари нимада? Ажралиш даъвоси билан мурожаат қилаётган фуқароларнинг аксарияти бир-бирларининг характери тўғри келмаганлигини ёки моддий қийинчиликларни рўқча қилиш-шундаки, Афсусланарли томони шундаки, бундай талаблар билан 227 тасида вояга етмаган фарзандлар бор. Тўғри, она-она бу мураккаб синовлардан ўтиб олиши мумкин, лекин эндигина ақлини таниётган болалар тақдирини не кечади? Бу ҳар биримизга катта масъулият юклайди. Зеро, битта оиланинг ажралишидан Аршнинг курсиси титрайди, деган нақл бежиз айтилган эмас.

Фикримизча, судлар никоҳдан ажратиш ишларини кўриб чиқишда оиланинг бузилиши сабабларини аниқлаб, эр-хотиннинг нолойиқ хатти-ҳаракатлари ҳамда рўзгорни барбод бўлишига сабабчи бўлган бошқа шахслар устидан ҳам алоҳида ажрим чиқариши, тарбиявий характерга эга бўлган чоралар кўриши, ўзаро келишмовчиликларни ҳал этишга ёрдам бериш учун ажрим нусхаларини уларнинг иш, ўқиш ёхуд яшаш жойларидаги хотин-қизлар кўмиталарига юбориши зарур.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд эр-хотиннинг ўзаро муносабатларини, никоҳдан ажратиш учун қўлланаётган асосларни, улар ўртасидаги низоларнинг асл сабабларини ҳар томонлама текширишга мажбур.

Хулоса шунки, келгусида биз никоҳдан ажратиш ишларини кўришда маҳаллий ҳокимият органлари, хотин-қизлар кўмиталари, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда фаолият олиб боришимиз муҳимдир. Зеро, асосий мақсадида ишлар мустаҳкамлашга, уларда соғлом муҳитни вужудга келтириш, янги ихтимойий-иқтисодий шароитларда тарафлар манфаатларини ҳимоя қилишга, вояга етмаган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларини ҳимоялашга қаратилгандир.

Акмал ЖАЛИЛОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича
Чирчиқ туманлараро суди
судьяси.

МАҲАЛЛАСИ ОБОДНИНГ ЮРТИ ҲАМ ОБОД БЎЛГАЙ

— дейди Чирчиқ шахридаги “Юлдуз маҳалласи раиси Мастура ЭГАМОВА

бошлаганман, — дейди Мастура Эгамова биз билан суҳбатда. — Ҳозир яшаб келган жой бўлган учумни, ишонли топширилган масъулиятли вазифани бажаришга кўпам кийналганим йўқ. Ҳозир йилги сайловда маҳалла раиси этиб сайландим. 17 та кўп қаватли уйда турли миллат вакилларидан



иборат 998 та оила, 2389 нафар аҳоли бир оила фарзандларидек тинч-тотув яшаётир. Ҳудудимизда 9 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, битта мактаб ва битта болалар богчаси мавжуд.

Қариси бор уйнинг париси бор, деганларидек, қатор савобли ишларни амалга оширишда яқиндан кўмак бераётган уй бошқарувчиларининг аксарияти нурунийлар. Кўпни

ўргатишади. Мастура онанинг изоҳ беришича, яқинда бу ерда коллеж битирувчилари, маҳалла фаоллари ва кекса онахонлар иштирокида янги тушган келинлар ўртасида “Эпли келин — сепли келин” деб номланган танлов ўтказилди. Буни қаранглик, танловда ўзбеклардан ташқари бошқа миллат вакиллари ҳам фаол иштирок этиб, ўзларининг тахсинга сазовор қадриятлари-

— Кечга томон келсангиз бу жойлар спортсевар ёш қарилар билан гавжум бўлади. Маҳаллаимизда “Юлдуз” футбол жамоасининг ташкил этилиши ҳам қувончли воқеа бўлди.

Яна бир ибратли жиҳати, ўз номига муносиб бўлган “Юлдуз” маҳалласида ташкилий-тарбиявий ишларнинг ҳам кўнгилдан ўтказилганлигини таъкидлайди. Шу боис бу ерда оилавий низолар, қўйди-чиқдиларга барҳам берилмоқда. Айниқса, тўй-маъракалар ҳам ихчам ва камхарж бўлиб ўтмоқда. Маҳалланинг қайнони онахонлари Раиса Агзамова, Раъно Аминова, Светлана Филимонова, Умирниса Ҳасанова ва бошқа фаоллар Мастура онага ҳар соҳада энг яқин маслақдош бўлишмоқда.

Нигора УРОЛОВА,
“Оила ва жамият” мухбири,
Тошкент вилояти.

ЁШЛИК ВА ШИЖОАТ БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бир сўз билан айтганда “Умид ниҳоллари” спорт ўйинлари мамлакатимиз ёшлари ҳаётида қувончли ва шарафли одимга айланади. Шу боис ҳар гал ушбу мусобақаларнинг ўтказилиши юртимизда катта тантангага айланади.

Бу йил ҳам мусобақаларнинг финал босқичига меъзонлик қилган Навоий вилоятида кенг қўламли бунёдкорлик ва ободлаштириш ишлари амалга оширилди. Шаҳар гулга бурканди. Навоийликларнинг кўнглидаги байрамона руҳ бутун мамлакатни қамраб олди.

Спорт ёшларни жиҳсонан баркамол этса, адабиёт маънавиятимизни озиклантиради. “Умид ниҳоллари – 2012” мусобақалари бошланиши арафасида Навоий вилоятида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, уюшманинг Навоий вилоят бўлими, вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида уюштирилган Адабиёт байрами навоийликларнинг кўнглини шеър ҳаваси, назм нафосати билан юксакка кўтарди. Ўзбекистон халқ шоири, “Эл-юрт” хурмати ордени соҳибаси Ойдин Ҳожиева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари, шоирлар Шарифа Салимова, Қутлибека Раҳимбоевнинг шеърлари “Умид ниҳоллари” тараддудида ашаддан давраларга файз олиб кирди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардаги 783 та мактабдан ташриф буюрган ўғил-қизлар спортнинг 12 тури бўйича ўтган мусобақаларда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри жамоаси бош соврин — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг

“Умид ниҳоллари” спорт ўйинлари қатнашчиларига табригининг асл нусхаси ва “Дамас” автотомбили билан тақдирланди.

— “Умид ниҳоллари — 2012” спорт ва дўстлик байрами сифатида бир умр ёдимда қолади. Бу — Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида биз, ёшларнинг спорт билан шуғулланишимиз, ўз истеъдодимизни кенг намойиш этишимиз учун яратилаётган улкан имкониятлар самарасидир, — дейди белбоғли кураш бўйича олтин медаль соҳибни наманганлик Абдурашул Ҳабибуллаев.

— Мусобақаларда вилоятимиз ёшларининг умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаб, давлатимиз раҳбарининг совғаси — “Дамас” автотомбилини қўлга киритишга мен ҳам ўз ҳиссамни қўшганимдан хурсандман, — дейди шахмат бўйича олтин медаль совриндори навоийлик Моҳинур Қахрамонова.

“Умид ниҳоллари” ўқувчи ёшлар учун ўзига хос ёшлик байрамига айланади. Ёшларимиз Президентимиз “Умид ниҳоллари — 2012” спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табригида таъкидлаган, “...давлатимиз, жамиятимиз сиз, ёшларнинг камолотингиз, бахту саодатингиз учун ҳеч нарсани — маблағ ва имкониятни ҳам, куч ва ҳаракатни ҳам, энг муҳими, ўзининг қалб саховати ва меҳрини асло аямайди”, деган сўзларнинг амалий ифодасини, ўзлари учун яратилаётган имкониятларини, кўрсатилаётган ғамхўрликларни яна бир қарра ҳис этдилар.

Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА,
журналист.

Глобаллашув замони инсонлар учун масофа-ю, сарҳадларни бир қадам қилди. Иш, ўқиб ёки саёхат каби эҳтиёж омиллари бир кунда қанчалаб одамларни бир ҳудуддан иккинчи бир ҳудудга етакляпти. Азалдан туркий халқларнинг буюк бешиги бўлган Ўзбекистонга ҳам ҳар куни жаҳоннинг қатор минтақаларидан турли миллат ва эллатга мансуб одамлар келиб кетади. Улар турли дин, эътиқод ва урф-одатларга риоя қиладилар. Шу билан бирга, юзлаб фуқароларимиз турли хизмат сафарлари юзасидан хорижий давлатларга жўнаб кетишади. Хоҳ Европа, хоҳ Африка мамлакатларига бўлсин ташриф буюрган миллатдошларимизни бегона юртда бутунлай ўзга бир маданият, урф-одат қарши олади.

Қадимдан маълумки, аёл зоти сирли хилқат сифатида эътироф қилинган. Лекин кейинги асрда дунё хотин-қизларининг кийиниш маданияти, одоб-ахлоқ нормалари ўзгариб бораётган бир пайтда аёлларга бўлган эътибор ҳам кучаймоқда. Яшириб нима қиламиз, Европа маданияти таъсирида ўзбек қизларининг ташки дунёси йил сайин ўзгачароқ кифларда намоён бўлаётир (бугун аксарият ҳолларда асосан шаҳар кўчаларида бошига дўппи, эгнига атлас кўйлак кийганларни кўриб ажабланувчилар ҳам пайдо бўлганига не дейсиз?).

Киркмиш узун соч тоқиларни-ку қўяверинг. Шойи-атлас либослар ўрнини калта юбка, шимлар эгаллади. Бунисигаям кўниккан эдик. Минг афсуски энди қизларимизнинг қоринкиндигини очиб юриши оммавий модага айланиб бормоқда.

Савол устига савол кийнайдими. Хўш, Европада хотин-қизларни шунақа юришади? Кўрган-билганлар Фарбда аёллар киндигини очиб юрмаслигини гапиряди. Бунақа бачкана юришлар хинд, хинду ва занжи аёлларига хос экан...

...Ишхонада ўтиргандим. 17-18 ёшлардаги бир йигит машқларини кўтариб кириб келди. Авзойи бежо. Қўлоқ чакчаларидан тортиб иягига бир чизик қилиб соқол қўйган. Юзига ула-элик селганни, кўзгудек ялтйрарди. Бошининг тепасида хўроз тожидек бир йўл соч қўйилиб, ёнбоши қириб олинган эди. Энг кулгилиси, тор шим, тор ва калта футболка кийиб олган бу йигит ҳам киндигини очиб олганди. Бунақасини биринчи марта кўришим. Айтинг, Хоразмнинг бир чеккасига бу кургур мода қаёқдан кириб келди? Биров кўтариб келмагандир хойнахой, тўғрими? У ҳам қаердандир (балки телевизиорда) кўриб андоза олгани аниқ.

Кутилмаганда кекса ҳамкасбим хонага кириб, ўша йигитдан илтимос қилди.

— Ўғлим, шафқ ортга зарур нарсаларим тушиб кетганди, сал суришиб юборинг.

— Кечирасиз, ёшулли, мен касалман, белим оғрийдими, — деди ҳозиргина қаддини фоз қилиб турган шоввоз қўлларини биқинига тираб.

Шеригим унинг бу гапларини эшитиб, бир кур назар ташлаб турди ва мийиғида қулиб қўйди. Сўнг дилидагини тилига кўчирди:

— Укам, шу алфозда кийиб

Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуржларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмақда.

Ислом КАРИМОВ



надиган бўлсангиз белингиз тугул "бошқа жойингиз" ҳам оғрий бошлайдими. Ахир ҳеч замонда эркак дегани шундай ноқулай об-ҳавода ҳам қорнини очиб юрадимиз?! Соч-соқолнингизни гапирмай қўя қолай.

Ҳалиги йигит сенга нима, дегандек безрайиб тураверди. Ҳамкасбим менга юзланиб деди: — Аёлим репродуктив саломатлик бўйича мутахассис-шифокор. Унинг айтишича, қорин қисмини очиб юрган одамда бел, буйрак, ошқозон ости бези, ичаклар шамоллаши юз берар экан. Энг оғири, бундай йигитлар ўттизга кирмасдан простатит хасталигига чалинаркан...

"Қинда таникли санъаткорнинг катта концертига тушгандим. Ҳафсалам пир бўлиб кайтдим, — дейди Қодиржон деган дўстим. — Мириқиб ашула тинглайман, хордик чиқараман десам, залда ҳамма сакраб, жазаваси кўзиб ўйнапти. Бу ҳисобот концертими ёки дискотеками, билолмадим..."

Эндиликда тўй-томошалар ҳам шундай тус олди. Нознеъматларга тўла дастурхон атрофида ер тепиб, чангитиб ёшу қари жазаваси билан ўйинга тушади. Тўй дискотеканинг айнан ўзи.

Аслида бундай тантаналар миллий руҳда, ўзбекча, тартиб билан ўтиши керак эмасми? Яқин-яқингача қишлоғимиздаги тўйларга қариндош-уруғлар, келин-куёвнинг дўстлари, уй эгасининг яқинлари ташриф буюриб, икки ёшни кутлаб, тилаклар айтишарди. Энди эса жазавали рақслар, ер тепиб сакрашлар урфга айланди.

Ачинарли жиҳати шуки, ўзга

миллат кишиларига хос юриштиришларни ўзлаштириб олган ёшларни эндиликда ҳар қадамга учратиб мушмин. Қулогига сирга, билаги ва бўйнига ҳалқа тақиб олган, тор шим ёки пошнасиз туфли кийиб, сичини гайриодатий қирдирган, "шохлашиб", бош уриштириб саломлашадиган йигитлар оз эмас. "О-кей", "Айва", "Салют", "Привет", "бонжур" дея кўришади-кан, сочларини ола-була қилиб бўятадиган, шим, киндигига аранг ёпиб турадиган футболка ёки нимча киядиган, катта концертларда бошидан охиригача сакраб ўйнайдиган қизларни-ку, айтмаса ҳам бўлади.

Унутмаслик керакки, ҳар қандай миллат вакилида ўзига хос миллий гурур ва ифтихор туйғулари, менталитет шаклланиши хусусида машҳур адибларимиз, миллат фидойилари жуда кўп бора бонг урганлар.

Тўғри, миллийлик деганда дўппи-чопонларга бурканиб, маҳси-ковушларни судраб юриш туюнмайди. Бу ҳақда XX аср бошларида улуг аллома Фитрат домла кўп куюниб ёзган. Ул зотнинг таъкидлашу-ча, европача кийимлар: камзул-шим, туфли, шапка, шляпаларни кийган билан одам миллийлигини йўқотмайди. Чунки бу кийимлар кишига салобат бағишлайди, жамоат жойларида маданий муомалага киришишига омил бўлади. Шунингдек, бу либосларни кийиб ҳам ўзбекча тавозе кўрсатиш, ишлаш, керакли амалларни адо этиш-

Долзарб мавзу

лари мумкин. Зеро, муқаддас аъяна ва қадриятларимизда ҳам меъёр деган тарозу мезон мавжуд-ку! Ўзини ўзбек деб билган эркак (хотин-қизлар кийиб юрган либосларни-ку қўяверинг) нинг енгисиз майка ва калта шортикларда жамоат жойлари, қизлари, опа-сингил ва неваралари даврасига кириб бориши атроф-жавоибдаги-ларга эриш туюлмайдими?

— Ўзбек миллатида узоқ вақт кўришмаган биродарлар бир-бири билан кучоқ очиб кўришиши азалдан бор, — дейди Урганч шаҳар халқ таълими бўлими бошқарувидаги "Ижодкор аёллар" клуби раҳбари Курбонбика Ҳозиметова. — Лекин эркакнинг эркак билан ҳар куни ўпишиб кўришиши ўта бачканаликдан бошқа нарса эмас.

Эшитишимча, Туркияда эркаклар бир-бири билан ўпишиб кўришиш экан. Ахир биз туркиялик ёки болгариялик эмасмиз, балки асл ўзбек, дунёга дони кетган Амир Темур, Алишер Навоий, Жалолiddин Мангуберди, Мирзо Улугбек, Пахлавон Маҳмуд, Бобурлар авлодларимиз-ку! Наҳотки, биз келиб келиб эркаклар эркаклар ила никоҳдан ўттишни табиий ҳол, шахс эркинлиги деб баҳолайдиган европачалардан саломликлардан ўрган-сак?!

Асл ўзбек шу маҳалгача ўнг қўлини кўксига қўйиб, "Ассалому алайкум" дея саломлашиб келганини бутун дунё ахли яхши билади. Жаҳоннинг қайси миллат, қайси дин вакиллари орасига бориб "Ассалому алайкум" десангиз "Ва алайкум асалом" дея жавоб беради. Чунки бу тинчликпарвар, бағрикенг халқ, улуг миллатнинг самимий саломидир.

Яхши биламизки, қандай кийим кийиш, қай тартибда хатти-ҳаракат қилиш авваломбор ҳар кимнинг ўз танлови, хоҳишироқдаси, бир сўз билан айтганда, туғилиб ўсган оиласида олган таълим-тарбиясига боғлиқдир. Аммо кимга тақлидан кийинишдан ҳам муҳим ва долзарброқ бўлган бошқа бир масала бор. Бу қандай инсон бўла олиш ғамидир. Албатта, шахснинг яхши инсон эканлиги унинг миллий қадриятларни ва атрофдагиларни қандай ҳурмат қилиши билан белгиланади. Яъни ҳар биримизнинг энг аввало юрагимиздаги нозик пардаларга дарз кетмаслиги керак. Агар ана шу сир-синоатли кубга заха етса, тўғри йўл қолиб, тескари — ўзлимизни унутиб юборишга қодир бўлган жарликка қулаймиз. Ана шундан асрасин!

Демак, шундай экан, бугунги ўзбек ёшлари — эртанги кунимиз эгалари миллий қадрият ва аъёналаримизни билиш, ўрганиш ва амал қилиш орқалигина глобаллашувнинг "оммавий маданият" таҳдидларига қарши химоя манбани топишларига шубҳа йўқ.

Эрпўлат БАХТ,
журналист.



АПРЕЛЬ — тилимиздаги янгича йил ҳисобидаги тўртинчи ой номини аналган апрель сўзи асли латинчада "apricus" бўлиб, у "қуёш иситадиган" деган маънони аналган.

Биринчи апрель. Апрель ойи.

АНГИЗ — тилимизда экинни ўриб-йиғиб олинган ер, майдон "ангиз" сўзи билан ифодаланади. Шунингдек, муайян бир экин ўриб олингандан кейин унинг далада тиккайиб қолган поясига ҳам "ангиз" дейилади. Баъзан, "ангиз" сўзи билан "андиз" сўзини аралаштириб юбориш ҳоллари ҳам кузатилади. Ҳолбуки, "андиз" сўзи истеъмол қилинадиган қўқатнинг бир тури маъносини аналтади.

Аҳёнда бир беда ангизиде ўтлаб юрган ҳўкизи ва отлар кўринади.

Абдулла Қодирий

Қора андиз нам ерларда, ўтлоқларда, тоғ ёнбағирларида ўсади.

Газетадан

БУЛЬДОЗЕР — "Бульдозер" сўзи тилимизга инглиз тилидан кириб келган бўлиб, унинг туб илдиизи "катта кесакларни майдаловчи" деган маънони аналтади.

Орадан ўн кун ўтиб, ўнлаб бульдозерлар, тракторлар, скреперлар адир томон ўрмалади.

Саид Аҳмад

АРЗАНДА — тилимизда фаол қўлланадиган "арзанда" сўзининг туб илдиизи бу сўзнинг ўзидан қурилиб турибди. "Арзанда" сўзи асли "арзийдиган" деган маънони аналган. Ҳозирги пайтда бу сўз орзу қилиб етишган ўғил ёки қиз, энг севиқли, эрка фарзанд мазмунини билдиради.

Гулнора худо берди, у эрка-арзанда хотин бўлиб, эрига суялиб, кўнглига нима келса, шуни қилади.

Ойбек

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

“МУВАФФАҚИЯТЛАР КАЛИТИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА”

— дейди “Пискенттумангаз” раҳбари
Қамбарали Мамадалиев

Бугунги кунда юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, бир-бирдан кўркам биноларни, ободлик ва бунёдкорлик ишларини кўриб кўзингиз қувонади. Туман марказларини қўяверинг, ҳатто чекка-чекка қишлоқлардаги туб ўзгаришлар ҳам таҳсинга лойиқ. Бу борада Тошкент вилоятининг Пискент туманида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

— Айни пайтда худудимизнинг табиий газ етиб бормаган жойларини ҳам газлаштиряёмиз, — дейди биз билан суҳбатда Қамбарали Мамадалиев. — Туманимиз миқёсида оладиган бўлсақ, жами истеъмолчилар сони 12174 та бўлиб, шундан 11878 тасини аҳоли ва 296 тасини улгуржи истеъмолчилар ташкил этади. Буни рақамларда ифодаладиган бўлсақ, жами хонадонларнинг 84 фоизи газлаштирилган. Қолган 16 фоиз хонадонлар эса суулотилган газ билан доимий таъминлаб келинмоқда. Ҳозирги кунда жамоамиз кузги-кишки мавсумга қизгин тайёргарликни бошлаб юборган. Туман худудиде истеъмолчиларнинг табиий газ билан таъминлаш мақсадида жами 471,1 километр узунликдаги газ қувурлари тортилган. Шундан 79,5 километрини юқори босимли, 107,1 километрини ўрта босимли ҳамда 284,6 километрини паст босимли қувурлар ташкил этади. Газни

қувурлари занг-лашининг олдини олиш мақсадида бўяш ишлари амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда фойдаланилган газ учун аҳолидан тўловларни ўз вақтида ундириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Тўловларни амалга оширишни такомиллаштириш ва аҳолига қулайлик яратиш мақсадида “Микрокредитбанк”нинг туман филиалидан 24 та тўлов терминаллари олинди. Энди-



“АК маблағи ҳисобидан “Дамас” автомашинаси харид қилинди. У ҳозирги кунда авария-диспетчерлик хизматига бириктирилган.

Шу йил кўкларда бино атрофида ободонлаштириш ва кўкларзорлаштириш ишлари олиб борилди. Юқорида зикр этилган қарорга мувофиқ, жорий йилда газ сарфи назоратини кучайтириш учун 98 дона газ ҳисоблагич ускуналарини ўрнатишни мўлжаллаб турибмиз.

Албатта, 114 кишидан иборат жамоамизнинг аҳил ва иноқлиги, уларнинг ҳалол меҳна-

ти муваффақиятларимиз калити бўляпти, десак хато қилмаймиз. Тахрибли ишчи-хизматчилардан Тоҳир Эгамбердиев, Абдужалил Ҳамидов, Ҳадича Саидалиева ва бошқа ўнлаб жонқуяр инсонлар ёшларимизга ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан ўрнатилган қасб-хунарни бериб беришмоқда.

Бандлик дастурига асосан яқинда туманимиздаги қасб-хунарни бериб беришмоқда.

Бандлик дастурига асосан яқинда туманимиздаги қасб-хунарни бериб беришмоқда. Бандлик дастурига асосан яқинда туманимиздаги қасб-хунарни бериб беришмоқда. Бандлик дастурига асосан яқинда туманимиздаги қасб-хунарни бериб беришмоқда.

Газ — бебаҳо неъмат. Уни исроф қилмаслик, фойдаланилган газ ҳақини ўз вақтида тўлаш лозим. Ана шундангина юртимиз фаровонлигига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

“Оила ва жамият” мухбири
Нигора ЎРОЛОВА
ёзиб олди.
Тошкент вилояти.



истеъмолчиларга бир маромда тақсимлаш мақсадида 292 та газ тақсимлаш кутилари ўрнатилган. Жорий иш режамизга кўра, куз-киш мавсумига қадар мавжуд газ тақсимлаш кутиларининг барчаси таъмирдан чиқарилади. Шу кунгача улардан 42 донаси тафтишдан ўтказилди, 3 таси эса мукамал таъмирланди. Шу билан бирга газ

КУТЛАЙМИЗ!

Севимли аммажоним Махсум!

Таваллуд айёмингиз билан кутлайман. Умр йўлдошингиз Аброр ака билан қўша қариб, узоқ йиллар умргузаронлик қилишни Оллоҳ насиб айласин. Фарзандларингиз бахти, қамолини кўриб юринг.

Севимли хиянингиз Латофат.



ЕР ВА ОСМОН ЎРТАСИ

У дарахтнинг серҳосил шохига миниб олиб, сархил меваларидан егани еган бўлди. Оёғи ердан кўтарилганда тумшунини ҳам кўтарди осмонга қараб. Асли ерлик эканини унутгани учун одамгарчиликни ҳам унутди.

Бир пайтлар тўп теппи ўсган дўстларини кўрмади кўзларини

шира босиб. Илгари бирга ишлаган ҳамкасбларига қиё боқмади, яхши-ёмон кунда мундоқ қўлини чўзиб қўймади ўзим турган шох омон бўлсин деб.

Қизиқ, у билан осмон ўртасида қанчагача чидаб турар экан?

Лола ЎРОҚОВА



МУАЛЛИМНИНГ БАХТИ

Ургут тумани халқ таълими тизимига қарашли 4-сонли умумтаълим мактабда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг билимга чанқоқлиги, интилиш ва қизиқишлари мақтовга лойиқ. Энг асосийси, эртанги кунда коллежу лицей, олий ўқув юрти талабаси бўлишни орзу қилиб юрган ёшлар бундай улуг мақсадларга етмоқ учун бугундан ҳаракат қилиш лозимлигини яхши билишадди. Илм масканида барқамол авлод вакиллари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Замонавий тарзда жиҳозланган ўқув лабораториялари, 15 та компьютер, информатика, чизмачилик хоналари, ахборот ресурс маркази, шинам ва ёруғ синфхоналар кўзни қувонтиради. Айни пайтда зиё масканида 40 нафар ўз касбининг фидойиси 760 нафар ўғил-қизларга турли фан силридан сабоқ беришмоқда.



— Бу остонага илк бор қадам қўйган болалар муболағасиз айтишим мумкин, худди мана шу ниҳолларга ўхшайди, — дейди мактаб директори Наримон ЭШОНҚУЛОВ мактаб боғида яшнаб турган кўчатларга ишора қилиб. — Уларни навнихол пайдан тўғри парваришлаб, тарбиялаб борсангиз, шунга қараб ҳосил беради. Бола ҳам шундай. У аввало оилада ота-онадан тарбия олади, уларга тақдир қилиб ўсади. Сўнг боғча мактабда тенгдошлари, устозлардан ўрнатилган. Бизда азалдан ажойиб бир анъана бор, энг аввало, мактабимиз остонасидан ҳатлаган ҳар бир ўқувчининг руҳий жиҳати, қизиқиши, характери уни ўрнамади. Амалиётчи-психологимиз Азиз Холмуродов ҳар бир ўқувчи учун махсус дафтар тўдириб боради. Шунга қараб тарбиявий, маънавий ва спорт ишлари ташкил этилмоқда.

Яқинда шу йил мактабни битирадиган 87 нафар ўқувчининг шахсий йиғма жилдлари билан батафсил танишиб чиқдик. Барчаси рисоладагидек. Самижон Шамсиев каби маҳоратли ўқитувчиларнинг шоғирдлари бисёр. Қасб маҳорати ва тарбиявий ишлар бўйича 16 нафар илғор ўқитувчи директор жамғармасидан устама ҳақ олишмоқда.

— Раҳматли отам Ҳасан Эшонқулов ҳам шу мактабда 30 йилдан ортқ ўқувчиларга география фанидан сабоқ берган, — дея сўзида давом этади Наримон ака. — Отамнинг “Юк кўтарган инсон барибир бир кунни юзага чиқади. Фақат ҳалол меҳнат қилинг, ўғлим, халолликда ҳикмат кўп”, деган ўғитларини қулоғимга қуйиб олганман. Биласиз, ўқитувчилик ҳар кимнинг қўлидан келадиган иш эмас. Бу касбнинг нони ҳам, меҳнати ҳам қаттиқ, шунинг учун ҳам тотли, ширин. Шу кунгача ўқитувчилик соҳасига тасодифан, яъни, адашиб келиб қолганларнинг қанчасини кўрдим. Лекин икки-уч йил ўтар-ўтмас, улар қандай келган бўлса, шундай кетиб қолишди. Бу ҳам ўзига ҳок синон майдони.

Директорнинг таъкидлашича, мактаб тарбия маскани, унда ўтказилаётган ҳар бир йиғилиш, тадбир ўқувчиларнинг билим ва дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилади. Яқинда зиё масканида Президентимизнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” деб номланган китобида кўтарилган долзарб мавзулар бўйича махсус суҳбат уюштирилди. Директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Илхом Бобоев ушбу китобда Юртбошимиз томонидан Ўзбекистоннинг истиқлол арафасидаги ва ундан кейинги даври чуқур таҳлил этилганини, давлатимизнинг мустақилликка эришиши осон кечмагани ҳақида ўқувчиларга сўзлаб берди.

Дарвоқе, таълим фидойиси Наримон ака Эшонқуловнинг умр йўлдоши Барно опа ҳам муаллима. Тўрт фарзандни тарбиялаб қамолга етказишда бир-бирига чин маънода суянчиқ бўлди. Мана бугун чекилган машаққатлар ўз мевасини бермоқда. Шу боис ҳам Чағизмон маҳалласи аҳли илму маърифат бобида бошқаларга ибрат бўлаётган зиёлилар оиласига ҳавас қилишадди.

Хошим ОРЗИКУЛОВ,
“Оила ва жамият” мухбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қунидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

- | | |
|---|--|
| Тўқувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой. | Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой, Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой. |
| Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой. | Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун). |
| Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой. | Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка). |
| Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиб, 2 ойи амалиёт. | Тўқувчилик — 2-3 ой. |
| Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан). | Инглиз тили — 3 ой. |
| Тиббий массаж — 2 ой. Нўқтали — 1 ой. | Рус тили — 3 ой. |
| Торт ва пишириқлар — 2 ой. | Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой. |
| Пишириқлар олий курси — 1 ой. | Сунъий гул ясаш — 1-2 ой. |
| Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой. | Компьютер сабоқлари — 2 ой. |
| Аёллар сартарошлиги — 3 ой. | Интернет — 1 ой. |
| Тўй ва оқшом тўқувчилари ва макияж — 1 ой. | |
| Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой. | |

Барчаси амалиёти билан
Етоҳона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзое 1-уй 31-хона.
МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехкан бозори орқасида.

Тел: (8371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли қўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.
ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99897 785-90-30 (кундузи)



ЭНГ УЗУН ЕРОСТИ ЙЎЛИ

Швейцарияда дунёдаги энг узун туннель, яъни тоғни кесиб ўтувчи ерошти йўли қурилган. Европанинг икки давлати — Италия ва Швейцарияни боғлаб турувчи ушбу Готард туннели Альп тоғларини тешиб ўтади ва унинг умумий узунлиги 57 км.ни ташкил қилади. Ерошти йўлини қуриш учун тоғни тешиб ишлари 14 йил давом этган. Йўлнинг сифатини ошириш, янада мустаҳкамлаш, тайёр объектларни синаб кўриш ва назорат қилиш ишлари ҳамон давом этмоқда. Шуни таъкидлаш кераки, туннель бўйича транспорт ҳаракати 2017 йилга борибгина очилади.

Ерошти йўлининг қурилишига жуда катта миқдорда маблағ, яъни 10,3 миллиард АКШ доллари сарф қилинган. Уни қуриш ишларида 2,5 минг нафар ишчи иштирок этган. Қурилишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар чоғида саккиз киши ҳалок бўлган.



Готард туннели орқали бир кунда 300 та темирйўл состави соатига 250 км. тезликда ўйиб туриши мумкин. Шунинг ҳисобига Милан ва Цюрих орасидаги масофани босиб ўтиш вақти бир соатга камайд. Қолаверса, швейцарияликларнинг бу туннелни қуришдан кўзлаган асосий мақсадларидан бири — юк машиналаридан чиқадиган турли тўтиқ, газ ва ёқилги томчилари тўғрили табиатга етадиган экологик зарарни ҳам камайтириш. Дарҳақиқат, Шимолий ва Жанубий Европани боғлаб турувчи асосий юк-транспорт йўналиши Швейцариядан ўтади. Шу боис, швейцарияликлар юк ташиш воситаларини имкон қадар автомашиналардан темирйўл транспортлариға кўчиришга ҳаракат қилишмоқда.

Готардга қадар жаҳондаги энг узун ерошти темирйўли — Сэйкан туннели эди. Бу туннель Япониянинг Хонсю ва Хоккайдо ороллари бирлаштиради. Унинг узунлиги 53,8 км.ни ташкил қилади. Ла-Манш бўғозини Буюк Британия ва Франция билан боғлаб турувчи 50 км. узунликдаги туннель эса бу вақтга қадар иккинчи ўринни эгаллаб турарди.

ЭНГ ОФИР (ВАЗНДАГИ) МУКОФОТ

Тарихда бундай мукофотга сазовор бўлган инсон машҳур рус олими Михаил Ломоносов ҳисобланади. Илмий кашфиётлари учун олими 1748 йил қиролична Елизавета Петровна томонидан тақдирланган эди. Ўша пайтларда Россияда фақат мис тангалар зарб қилинарди. Масалан, бир тийинлик танганинг оғирлиги 16 грамм келарди. Ломоносов эса 2000 рубль билан мукофотланган. Унинг мукофоти 3200 килограмм оғирликни ташкил қилган. Бундай оғир мукофотни олиб кетиш учун олимга иккита от-арава керак бўлган.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

БИР КАМ ДУНЁ ЭКАН...

— Миллатим қозоқ, ёшим 48 да. Маълумотим олий. Фарзандим йўқ. Қисматимда бор экан-да, адашдим. Ичкиликка ружу қўйган инсонга турмушга чиққанман. Жамшид келинонимнинг тоғасининг ўғли эди. Онама раҳматлик "Сўраб-суриштирмадик, сени бахтсиз қилиб қўйдик", деб умрининг сўнгги нафасигача армон билан ўтди, — дея оғир хўрсинди ўзини Фариза деб таништирган ўрта бўйли, хушрўйгина аёл.

— Ҳозир қаерда яшайсиз? Қонуний ажрашганмисиз?

— Тошкентда истиқомат қиламан. Мана ҳужжатларим, қонуний ажрашганман. Нуфузли ташкилотда хизмат қиламан. Жамшид билан олти ойлик келинлигимда ажрашганман. Ушанда оғзи-бурним қон бўлган ҳолатда касалхонага жонлантириш бўлимига тушиб, шу-шу эримникига қайтиб бормадим. Оғзи қуйган қатикни ҳам пуфлаб ичаркан, шунга ҳам 20 йил бўлибди...

— Қандай инсонга турмушга чиқмоқчисиз?

— 52 ёшгача бўлган, миллати қозоқ, Тошкент шаҳрида яшайдиган, уй-жойли, иши тайин, диёнатли инсонга турмушга чиқмоқчиман.

ФАРЗАНДЛАРИМ КЎНИШДИ

Салима қишлоқдошим эди. У билан болаликдан бирга ўйнаб, катта бўлгандик. "Мақтаб-мақтаб" ўйнасақ доим у ўқитувчи бўлар ва менга "2" баҳо кўярди. Бир синфда ўқидик, у синфком эди. Бешинчи синфдан сўнг мен ҳам аълочилар қаторидан тушмайдиган бўлиб, мактабимиз фаҳрига айландим. Олимпиадаларда голиб бўлиб, 10-синфни аъло баҳога тугатиб, имтиёзли равишда университетга қабул қилиндим. У билан курсдош эдим. Охири курсда ўқиётганимизда отасининг дўсти Салимани ўзининг ўғлига унаштирмоқчи бўлди. У ўқишга икки кун келмади. Хавотирланиб у ижарада турадиган Мариям холаникига боргандим. Мени кўриб йиғлаб юборди ва дардини тўкиб солди. Шу кунни унга журъат қилиб севишимни айтдим. Эртаси кунни уйлариға совчи юбордим. Отаси рад жавобини берибди. Лекин онаси жонимизга оро

кириб, отанинг ҳам тўйга розилиги олинди.

Кейин тўйимиз бўлди. Бизлар жуда бахтли яшай бошладик. Уч фарзанд кўрдик. Сиз оғзимиз сенга бормади. Наилож. Уни бедаво дард бевақт олиб кетди. Эндигина битта боламизни ўйли-жойли қилгандик. Вақт оқар сув экан. Шунга ҳам ўн йил бўлди. Бу орада ўлим-



ни уйлантириб, қизимни ҳам чиқардим. Бари ўзидан тинган. Демокчиманки, болалар менинг уйланишимга розилик билдиришди.

Ёшим 60 да. Маълумотим олий. Уй-жойим етарли. 55 ёшгача бўлган, уйим-жойим дейдиган, меҳрибон, Хоразм вилоятида яшашга рози аёл учраса, уйланмоқчиман.

ЯНГИБОЙ,
Хоразм вилояти.

ОРЗУМДАГИ ШАҲЗОДАНИ УЧРАТДИМ

Ота-онам бевақт қазо қилгач, укам

иккимизни тоғамиз Меҳрибонлик уйига топширган экан. Улар биздан тез-тез хабар олиб турар, доимо яхши ўқишимизни тайинларди. Ҳар сафар бизга албатта китоблар олиб келарди. Укам иккимиз шундай тоғамизнинг борлигидан суюнарди. Китобларимизни бошқа болалар ҳам қўлма-қўл қилиб, ўқиб чиқарди. Меҳрибонлик уйи билан хайрлашиб, коллежда ўқидим, сўнг университетни имтиёзли дипломга тугатгач, ўз мутахассислигим бўйича нуфузли ташкилотда хизмат қила бошладим. Касбдош

дугонам акасига келин қилмоқчи бўлди. Йигит билан танишиб, бир-биримизга маъқул бўлдик. Совчилар келишди, тоғам тўйга розилик берди. Шу орада йигитнинг холаси бўлғуси қайнонамга "Келиб-келиб ёлғиз ўғлингизга гирт етимни раво кўрасизми? Шу қизни келин қилиб авлодимизни иснодга қўясиз-ку", дебди. Бу гапдан хабар

топган тоғам "Ҳозирдан гап-сўз қилган аёл тўйдан кейин жиянимнинг кўзини очирмайди", деб рад жавобини берди. Ва мени ўз тенгингни топасан, деб "Оила ва жамият" газетасига бошлаб келди. Орадан уч ой ўтгач, болалигида отаси вафот этган Нодир исмли самарқандлик, уйланмаган йигит билан танишдим. У хорихда ўқиб келган экан. Рисоладагидек тўйимиз бўлди. Қайнонам ёлғиз ўғлини деб қайта турмуш қурмаган, бир умр ҳалол меҳнати эвазига кун кечирган аёл экан. Улар менга ниҳоятда меҳрибон. Мени еру қўкка ишонмайди. Қайнонам эмас онам. Бахтлиман, сизларга ташаккур.

МУБОРАК,
Навоий вилояти.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

ШУВОҚ

Ер танламай ўсадиган, кўп йиллик ўсимлик аччиқ шuvoқ (полян) кўпгина хасталикларга шифо эканлиги билан маълум. Халқ табобатида ундан иштаха очувчи, қорин оғриғида, истисқода, гижжа, камқонлик, бронхит астма, ревматизм, экзема каби касалликларни даволашда фойдаланилган.

Ибн Сино шuvoқнинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмасини кўз касалликларида, аёлларда тўхтаб қолган ҳайзни келтиришда қўллаган.

Қорин оғриғида шuvoқни янчиб, атиргул, хина ёғи билан аралаштириб, оғриган жойга суртиб боғланади.

Шuvoқ ва зарпечак қайнатмаси биргаликда ичилганда тутқанок хасталиғига фойдали. Шuvoқдан олинган хамазулен моддаси бронхит астма, ревматизм, экземага даво.

Ўсимликнинг шираси истисқо касаллиғига шифо.

Иштахани очишда: қопқоқли сирли идишга 2 стакан қайноқ сув қуйиб, устига 1 чой қошиқ қуритилиб майдаланган шuvoқ солинади. Ўрим соат дамлаб қўйилади. Сўнг сузгичдан ўтказиб, кунига 3 маҳал овқатдан 30 дақиқа олдин ичилади.

Гижжада: 200 г қайнаган сувга ярим чой қошиқ шuvoқ солинади. 30 дақиқа дамлаб қўйилади. Кейин сузгичдан ўтказиб, кунига икки маҳал 100 г дан эрталаб ва кечкурун овқатдан ярим соат олдин ичилади.

Камқонликда: шuvoқнинг қуритиб майдаланган илдизидан 30 г олиб, 0,5 литр оқ мусалласа солиб қайнатилади. Совуғач, сузгичдан ўтказиб, кунига наҳорда 3-4 қошиқдан ичилади.

Лобар СОБИРОВА,
доришунос.

Табиат — дорихона

Фойдали МАСЛАҲАТЛАР

• Ёғли идишларни ювишда қуруқ хантал яхши ёрдам беради.

• Кийимлардан анқиб турган нафталин ҳидини йўқотиш учун ханталдан фойдаланишингиз мумкин.

Бунинг учун қуруқ хантални бирор идишчага солиб жавон ичиға қўйинг.

• Совуғичда узок вақт туриб қолган хантал қуруқлашиб қолади. Уни суёқ холга келтиришни хоҳласангиз ханталга ярим чой қошиқ шакарни сепинг, сўнг эса 1 чой қошиқ сирка қуйиб идиш қоққоғини зичлаб ёпган ҳолда, яхшилаб чайқатинг. Қарабсизки, хушбўй ва мазали хантал тайёр.

• Дазмолингиз буғ чиқаришга қийналаётган бўлса, ҳар 3 ойда бир марта дазмол ичига қўйилган сувга 6 ош қошиқ сирка қўшинг ва буғ ҳолатида чиқариб ташланг, бу албатта фойда беради.

• Бироз ранги ўчган жигарранг чарм сумкаларни уй шароитида ҳам бўяб олишингиз мумкин. Бунинг учун ярим пиёла ёлғиз сувга 2 чой қошиқ қаҳва солинг. Яхшилаб аралаштириб, ҳосил бўлган қаҳва қуйқасига юмшоқ матони намлаб олинг ва сумка юзасига суртиб чиқинг. Ушбу усулдан жигарранг пойафзалларни бўяшда ҳам фойдаланишингиз мумкин.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.

ХАЙР МАКТАБ, АССАЛОМ ҲАЁТ!

Бугун тонг саҳарда ўзгача кай-фият билан ўйгондим. Қалбимда аллақандай илиқлик, кўтаринки рух ҳукмрон. Кўёшнинг заррин нурлари олам узра таралиб, тонги шабоданинг энгил эпкини юзимни майин силаб ўтади.

Ҳар куни мактаб формасида юзларида болаларча жиддийлик билан мактабга йўл олган ўғил-қизларнинг кўриниши ҳам, кайфияти ҳам бугун байрамога, жажжи қизчаларнинг сочларида оппоқ тасмали гуллар, болалар оппоқ кўйлак, қора шимда, барчасининг кўлида гулдаста, юз-кўзида ҳаяжон билан илм даргоҳига ошиқмоқда.

Фарзандларим билан мен ҳам мактаб томон йўл оламан. Беихтиёр беғубор болалигим, жонажон мактабим ёдимга тушади...

1990 йилда Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги 6-сонли ўрта мактабни юздан зиёд йигит-қиз тугатган эди. Мактабимиз директори Қулмуҳаммад Ёралиев (ҳозир ҳам раҳбар экан), меҳрибон ва жонкуяр устозларим Зания Янбаева, Марҳамат Ортиқова, Фотима Қосимова, Раъно Умирова, Ҳадија Мамедова, раҳматли Саиднаби Хусанов... бу рўйхатни яна давом эттирсам бўлади.

Бугун менинг ўзим ўқитувчиман. Ҳар куни дарсга қирарканман, беихтиёр болалигим, ўқувчилик чоғларимни, отанамдек меҳрибон устозларимни бир-



ма-бир эслайман. Уларнинг ўз касбига бўлган фидойилиги, биз — болажонларга берган чексиз меҳр-муҳаббати, эҳти-мол, мен ва ўнлаб синфдошларимни олий педагогика даргоҳларига йўлла-гандир...

Вақт бамисоли оқар дарё. Кечагина мактаб бағридан кўзда ёш билан мустақил ҳаёт сари отланган ўқувчиларнинг бугун ўзалари мураббий-муаллим. Сўнги кўнгирак арасида йиллар давомида юрагим тубида ардоқлаб келган эзгу ни-ятларимни севимли газетам орқали мухтарам устозларимга йўллашга аҳд қилдим.

Азизлар, гарчи бизнинг орамиздан йирик олим, таникли ижодкорлар ети-шиб чиқмаган бўлса-да, биримиз ўқитувчи, биримиз шифокор, бошқамиз

иктисодчи, ҳуллас, барчамиз эл ко-рига яровчи касб эгалари бўлиб етишдик. Аёнки, энг аввало, оила-да, қолаверса, жамият фаолияти-да эришган катта-кичик ютуқлари-миз, қувончли лаҳзаларимиз зами-рида сизларнинг берган таълим-тарбиянгиз, олтинга тенг панду на-сиҳатларингиз, ва кўп йиллик заҳ-матли меҳнатингиз бор. Ўқитувчи-лик касби нақадар шарафли ва машаққатли касб эканлигини бугун ўзим ўқитувчи бўлиб англадим.

Сизларни, ҳеч иккиланмасдан улкан бир чинорга, шоҳларини эса юзлаб, минглаб шоғирдларингиз-га мэнзайман. Бизга берган чуқур билимингиз, самимий меҳру муҳабба-тингиз учун сизга ҳамиша таъзиму ҳур-матдамиз. Шоир айтганидек:

*Сиз мўъжаз юракда ёқолган ёғду,
Оқибат куйшдек соча олур нур,
Буюклар номига қасамд гап бу:
Сиздан бошланади асли*

*Тафаккур!
Оламда кўп эрур муборак онлар,
Табаррук зотлар ҳам гарчанд
кўп эрур.
Сизгадир илк раҳмат,
азиз инсонлар,
Мунис муаллимлар,
сизга ташаккур!*

Фарида ТОҲИРОВА.
Чирчиқ шаҳридаги 13-умум-
таълим мактаби ўқитувчиси.



СПОРТ... СПОРТ... СПОРТ...

АЛПЛАР БЕЛЛАШУВИ

Қарши шаҳридаги "Насаф" стади-онида Амир Темур хотирасига бағиш-ланган кураш бўйича Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти соврини учун аънанавий VI халқаро турнир бўлиб ўтди.

Мусобақа кескин беллашувларга бой бўлди. Айниқса, франциялик Пин Адриян ва ёш ўзбек полвони Самижон Убайдуллаев ўртасидаги финал баҳси қизиқарли бўлди. Ушбу беллашувда сурхондарёлик С.Убайдуллаев голиб қикди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти совринини кўлга киритди. Бухоролик Ширин Шарипов ва қашқа-дарёлик Илҳом Жўраевага учинчи ўрин насиб этди.

ТАНГРИЕВ БУ САФАР ҲАМ ТЕНГСИЗ

Россияда дзюдо бўйича ўтган "Кат-та дубуга" туркумига кирувчи халқа-ро мусобақада Ўзбекистон терма жа-моаси аъзолари учта олтин, иккита кумуш ва битта бронза медални кўлга киритди.

Мутлақ вазтли дзюдочилар ораси-да Абдулла Тангриев, 100 килограмм-да Рамазиддин Саидов бронза рақибла-ри устидан галабага эришиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Иқтидорли ёш дзюдочилар Мирэ-ҳид Фармонов ҳам барча рақиблари-ни енгиб, биринчи ўринни эгаллади.
Жаҳон чемпионати бронза медали совриндори Наврўзбек Жўрақобилов ва Яхё Имомов кумуш, Мирали Шари-пов эса бронза медални кўлга кирит-ди.

САРВИНОЗНИНГ ГАЛАБАСИ

Тошкентда шахмат бўйича эрқа-лар ва хотин-қизлар ўртасида Ўзбе-кистон чемпионатининг олий лига баҳслари халқаро гроссмейстер Ма-рат Жумаев ва истеъдоли шахматчи Сарвиноз Қурбонбоеванинг галабаси билан яқунланди.

Эрқақлар ўртасидаги ўн бир тур-дан иборат баҳсларда Марат Жума-ева тенг келадигани топилмади. Таж-рибали шахматчи олти та рақибини мот қилиб, тўрт шахматчи билан дуранг ўйнади. Фақат Андрей Квонга имко-ниятни бой берган М.Жумаев саккиз очко билан биринчи ўринни эгаллади.
Спорт устаси Андрей Квон эса етти очко билан иккинчи ўринни банд этган бўлса, Алексей Барсов учинчи ўрин билан кифояланди.

Тўққиз турдан иборат хотин-қизлар мусобақасида Сарвиноз Қурбонбоева бирор марта мағлубиятга учрамай билан дуранг натижа қайд этди. Тўққиз имкониятдан 6,5 очко жамгарган сир-дарёлик шахматчи чемпионатнинг ол-тин медалига сазовор бўлди.

Чемпиондан ярим очко кам жа-мгарган Ирина Гевормян кумуш медал-ни кўлга киритган бўлса, беш очко тўплаган Хулкар Тоҳиржоновга кучли уч-ликдан жой олди.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

ТУРМУШ ЎРТОҒИМНИНГ РОЗИЛИГИ ШАРТМИ?

Савол-жавоб

Мен 2010 йилда турмуш ўртоғим билан қонуний ажрашганман, 2011 йилда ўз маблағимга машина сотиб олгандим. Яқинда эса қонуний никоҳ асосида турмуш кўрдим. Ҳозирда ўз номимдаги автомашинани

Ш. Отақонова,
Яйпан шахри.

Оила Кодексининг 25-моддасида эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегиш-ли бўлган мол-мулки, шунингдек, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки уларнинг ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланиши белгиланган.

Шунингдек, агар эр-хотиннинг ҳар бирининг ўз мол-мулки эр ва хотиндан бирининг меҳнати ҳисобига мол-мулкнинг қиймати анча ошишига олиб келган маблағлар кўшилганлиги аниқланса, улардан ҳар бирининг мол-мулки иккиси-нинг биргалиқдаги мулки деб топилши мумкин.

Сиз ушбу автомашинани қонуний никоҳгача бўлган даврда сотиб олгансиз ва иккинчи турмуш ўртоғингизни Оила кодексининг 25-моддасида кўрсатиб ўтилган ҳолат бўйича бирининг меҳнати ҳисобига мол-мулкнинг қиймати анча ошишига олиб келмаган бўлса, иккинчи турмуш ўртоғингизни автомашинани сотилиши учун розилик бериши шарт эмас.

Мазкур ҳолат "Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга оши-риш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 116-моддасида ҳам кўрсатиб ўтилган.

Саволга Ўзбекистон тумани ДНИ катта нотариуси
Азимжон САМАТОВ жавоб берди.

300 КУНЛИК МУДДАТ

Боланинг насл-насабини белгилаш борасида муаммо юзага келган-да қандай асосларга таянган ҳолда масалага ойдинлик киритилади?

К. Шойимов

Боланинг шу онадан туғилганлиги (оналик) фуқаролик ҳолати далолатномала-рини қайб қилиш органи томонидан тиббий муассасанинг ҳужжатларига кўра, гўдақ тиббий муассасада турмаган ҳолатда эса бошқа далилларга асосан белги-ланади.

Аёлниги никоҳ тузилгандан кейин ёки эрининг ўлими, никоҳдан ажратилган-лиги ёхуд никоҳ ҳақиқий эмас, деб топилганлиги туфайли никоҳ тугаганидан сўн-ги 300 кун ичида туғилган боласи никоҳда туғилган деб ҳисобланади.

Агар никоҳ тугаганидан кейин 300 кун ичида бола туғилса ва бу даврда аёл янги никоҳга кирган бўлса, бола янги никоҳда туғилган ҳисобланади. Бундай ҳол-ларда собиқ эр ёки унинг ота-онаси бола ҳусусида низолашиш ҳуқуқига эга.

Саволга Нуробод туман ФХД бўлими инспектори
Эсаной ЭРГАШЕВА жавоб берди.

БОЛАЛАРНИ ҚОНУН ҲИМОЯ КИЛАДИ

Бола ҳуқуқлари тўғрисида кон-венцияда болаларнинг дахлсизли-ги масаласи қай тартибда қафо-латланган?

Ч. Ботиров,
Тўйтепа шахри.

Мазкур конвенциянинг 16-модда-сида "Бирорта бола унинг шахсий ҳаёт, оилавий ҳаёт, уй-жой дахлсиз-лиги ёки почта орқали юборилади-ган нарсаларнинг махфийлигига бўлган ҳуқуқи амалга оширилишига ўзбошимчилик билан ёки қонунга зид равишда аралашиб ёхуд унинг шаъни ва обрўсига гайриқонуний тажовуз қилиш объекти бўлиши мум-кин эмас" лиги алоҳида қайд этилган.
Шунингдек, ҳар қандай бола бу каби аралашиб ёки тажовузлардан қонун йўли билан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳам таъкидланган.

Саволга Ўрта Чирчиқ тумани
1-сон ДНИ нотариуси Зафар
ТУРҒУНОВ жавоб берди.

«Оила ва жамият» газетаси таҳ-ририяти жамоаси «Матбуот тарқатув-чи» акциядорлик компанияси дирек-тори С. Наҳбидиновга укаси
Фарҳоднинг
вафот этганлиги муносабати билан
чуқур таъзия иъзор қилади.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси
(Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.
Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди.
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 15:00
Босишга топширилди - 15:00

ISSN 2010 - 7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Абдужамид АЗИМОВ
Саҳифаловчи — Оқил РАҲНОЛИКОВ,
Мусаҳҳилар — Саиджан САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга
олинган. Буюртма Г - 528. Формати А-3,
ҳажми 2 табоқ. Адади - 10255. Баҳоси кели-
шилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20
Котибият: 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 4 5

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz